

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ИРГАШЕВА САНОБАРХОН УМАРЖОНОВНА**

**ИНСУЛИНРЕЗИСТЕНТЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА  
СФИНГОЛИПИДЛАР ВА ОКСИДАТИВ СТРЕССНИНГ РОЛИ**

**03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Иргашева Санобархон Умаржоновна**

Инсулинрезистентликнинг ривожланишида сфинголипидлар ва оксидатив стресснинг  
роли.....3

**Иргашева Санобархон Умаржоновна**

Роль сфинголипидов и окислительного стресса в развитии  
инсулинорезистентности.....21

**Irgasheva Sanobarkhon Umarjonovna**

The role of sphingolipids and oxidative stress in the development of insulin  
resistance.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ИРГАШЕВА САНОБАРХОН УМАРЖОНОВНА**

**ИНСУЛИНРЕЗИСТЕНТЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА  
СФИНГОЛИПИДЛАР ВА ОКСИДАТИВ СТРЕССНИНГ РОЛИ**

**03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/В63 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ibb-nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саатов Тальят Саатович**

биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Насирджан Мухамеджанович**

биология фанлари доктори, профессор

**Эргашова Мукаррам Журабаевна**

биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

Республика Ихтисослаштирилган  
Эндокринология илмий-амалий  
тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» сентябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор т, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 174-уй Тел.: (99871) 246-68-96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96. e-mail: www.ibb-nuu@mail.ru; asarov54@mail.ru

Диссертация автореферати 2021 йил «23» август кuni тарқатилди.

(2021 йил «23» август даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*

**Сабилов Равшан Заирович**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, б.ф.д., академик

*[Signature]*

**Позилов Маъмуржон Комилжонович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д.

*[Signature]*

**Кадырова Дильбар Абдуллаевна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қандли диабет билан касалланиш ҳозирги даврнинг энг муҳим тиббий-ижтимоий муаммоларидан биридир. Қандли диабет тарқалиши жихатидан юрак қонтомир ва онкологик касалликлардан кейин 3 ўринни эгаллайди. Сўнгги пайтларда бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда қандли диабетга чалинган беморлар сонининг жадал ўсиши кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра қандли диабетга чалинган беморлар орасида 90% 2-тур қандли диабетдан азиат чекаётганлар ташкил қилади<sup>1</sup>. Муаммонинг долзарблиги нафақат ушбу касалликнинг кенг тарқалиши билан, балки эрта ногиронлик ва беморларнинг ўлимига олиб келувчи асоратларнинг ривожланиши билан ҳам белгиланади. Шу муносабат билан ушбу касаллик патогенезининг молекуляр механизмларини тадқиқ қилиш асосида 2-тур қандли диабетни олдини олиш, эрта ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш катта ижтимоий аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йилликларда дунёнинг етакчи илмий марказларида олиб борилган тадқиқотлар инсулинрезистентликни 2-тур қандли диабет ва унинг оғир асоратларининг келиб чиқишида предиктор ва инициатор эканлиги тўғрисида кўплаб далиллар йиғилган. Оксидланиш стресси ва яллиғланишнинг мавжудлиги инсулинрезистентлик патогенезини сезиларли даражада кучайтиради, натижада метаболик синдром ва 2-тур қандли диабет ривожланишига олиб келади. Инсулинрезистентликнинг ривожланиш механизмларини тадқиқ қилишда эришилган ютуқларга қарамай мембрана липидлари, хусусан сфинголипидларнинг инсулинрезистентлик ва 2-тур қандли диабет ривожланишидаги тутган ўрнини янада чуқурроқ тадқиқ этишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда мазкур патологияда сфинголипидларнинг хужайрадаги жараёнларда регулятив таъсирининг молекуляр механизмларини тадқиқ қилиш бўйича фундаментал изланишлар олиб борилмоқда, уларни тушуниш сфинголипидлар алмашинувида иштирок этувчи нишонларга таъсир этувчи янги авлод доривор воситаларини яратишга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга оширишда 2-тур ҚД ни даволаш учун кўшимча антиоксидант фаолликка эга янги табиий гипогликемик воситаларни топишга қаратилган тадқиқотлар асосий ўрин тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббий-

<sup>1</sup><https://idf.org/aboutdiabetes/what-is-diabetes.html>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» фармони

фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда дунёнинг кўплаб илмий марказларида бир қатор патологик ҳолатлар ривожланишининг механизмларини таҳлил қилишда ҳужайранинг асосий компоненти ҳисобланган сфинголипидлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Сфинголипидларнинг ҳужайра метаболизми ва сигнал тизимига таъсири ва муҳим биологик эффекторлар, модуляторлар ва медиаторлар сифатидаги иштироки аниқланган. Иккиламчи липид мессенжерлари ёрдамида сигналларнинг ўтказиш йўли сифатида сфингомиелин-цикли ҳақидаги гипотеза таклиф этилган (Hannun Y.A., Obeid Z.M., 2002). Тирик ҳужайраларда оксидланиш стресси ва сфингомиелин-цикли ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги аниқланган. СФМ-цикли яллиғланиш цитокинлари, биринчи навбатда TNF- $\alpha$  иштирокида фаолланади ва бу оксидланиш стрессини индукциясига олиб келиши ҳақидаги натижаларга эришилган. Олинган натижалар TNF- $\alpha$  нинг семизлик, 2-тур ҚД ва унинг асоратларини келиб чиқишида иштирок этувчи триггер омиллардан бири эканлигини тасдиқлайди (Akash et al., 2018).

МДХ да Дедов И.И., Шестакова М.В, Ткачук В.А, Макишев Р.Т. лар ўз тадқиқотларида ИР ва семизлик 2-тур ҚД ва унинг асоратларида ҳавfli омиллар эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Республикада Биофизика ва биокимё институти олимлари академик Т.С.Саатов раҳбарлигида «биоэффeктор липидлар»нинг ҳужайра жараёнларига регулятор таъсир механизмлари тадқиқ қилинган, сфинголипидларни гормонал бошқарилиши ҳақида ва яна уларнинг патологик жараёнларнинг ривожланишидаги аҳамиятига оид янги натижаларга эришилган. ИР ва 2-тур қандли диабет ривожланишидаги мембрана липидларининг ролини тадқиқ қилишда маълум ютуқларга эришилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация иши бажарилган илмий-тадқиқот институтининг иш режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биофизика ва биокимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф60-Т106 «Сфинголипидлар метаболизми ва улар метаболитларининг ҳужайра сигнализацияси ва метаболомикасидаги роли» (2012-2016), ҳамда ФА-А10-Т053 «Қандли диабетда оксидатив стресс ҳолатини маҳаллий хомашёдан олинган табиий бирикмалар билан коррекциялаш услубини ишлаб чиқиш» (2014-2017) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инсулинрезистентликнинг ривожланишида сфинголипидлар ва оксидатив стресснинг ролини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юқори калорияли, атероген парҳездан фойдаланган ҳолда ҳайвонларда алиментар семизлик ва инсулинрезистентлик моделини яратиш ва шу ҳолатда ҳайвонларнинг қони ҳамда турли тўқималарида липид ҳамда углеводлар алмашинувининг айрим биокимёвий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш;

алиментар семизликнинг экспериментал модел ҳайвонлар қони ҳамда тўқималаридаги липидларнинг пероксидланиш маҳсулоти малон диальдегид миқдори ва каталаза фаоллигига таъсири, шунингдек бу кўрсаткичларга антиоксидантларнинг таъсирини тадқиқ қилиш;

алиментар семизлик модел ҳайвонлари жигар ва скелет мускулларидаги сфингомиелиназа фаоллиги ҳамда сфингомиелин цикли компонентлари сфингомиелин, церамид ва сфингозин миқдорини аниқлаш;

қандли диабет беморлар организмида липидлар пероксидланиши маҳсулоти малон диальдегид ва антиоксидант тизим ферменти-каталаза фаоллиги, шунингдек  $\alpha$ -ўсма некрози омили-TNF- $\alpha$  миқдорини аниқлаш;

2-тур қандли диабет бўлган танланган ўзбеклар гуруҳи беморларида TNF- $\alpha$  гени G308A полиморфизмининг учраш частотасини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** лаборатория ҳайвонлари (каламушлар), уларнинг бионамуналари (қон, жигар ва скелет мускул), 2 тур қандли диабетга чалинган беморлар ҳамда шартли соғлом кишилар қони, ДНК намуналари.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб углевод ва липидлар алмашинувининг алоҳида кўрсаткичлари: глюкоза, гликоген, липидлар, сфинголипидларнинг миқдори, сфингомиелиназа, каталазаларнинг фаоллиги.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тўқималардан липидларни экстракциялаш, юпқа қаватли хроматография, углеводлар, липидлар ва малон диальдегид миқдорини аниқлаш, каталаза ва антиоксидант фаоллигини аниқлаш, иммунофермент таҳлил, полимераза занжир реакцияси каби усуллардан фойдаланилган. Олинган тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили OriginPro 8.6 (OriginLab Corporation, USA) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

каламушларда инсулинрезистентликнинг адекват намунаси бўлган алиментар семизлик модели яратилган;

маҳаллий доривор ўсимлик антиоксидант воситалари ёрдамида экспериментал диабет ҳайвонларда ЛПО/АОХТ кўрсаткичларида юзага келган ўзгаришларга таъсир этишга ҳаракат қилинган;

алиментар семиз ҳайвонларда сфинголипидлар метаболизмида ўзгариш кузатилган, ИР ва ҚД ривожланишига олиб келувчи эркин радикаллар генерациясига тўртки бўлувчи проапоптотик агент церамид миқдори ортанлиги аниқланган;

биринчи марта ўзбек миллатига мансуб 2-тур ҚД беморларда TNF- $\alpha$  гени G308A полиморф локуси генотип ва аллелларининг учраш частоталари

аниқланган. 2-тур ҚД беморларда GA генотипининг учраш частотасининг ортиши ушбу беморлар қонида TNF- $\alpha$  цитокини миқдорининг ортиши билан корреляцияланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижалари асосида экспериментал диабетда сафлор-*Carthamus tinctorius* экстрактининг эркин-радикалли жараёнлар ва гипергликемия кўрсаткичларини расоловчи таъсири аниқланган ва бу келгусида 2-тур ҚДни даволашда антиоксидант терапияда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижалар замонавий биокимёвий усуллар ва қурилмалар ҳамда уларни қайта ишлаш, уларнинг ишончлилигини таҳлил қилишни таъминловчи компьютер дастурлари ёрдамида олинганлиги билан тасдиқланган. Шу билан бирга, олинган натижаларнинг ишончлилиги улар республика ва халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланган. Ишда хулосалар замонавий математик статистика услубларидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сфинголипидлар ва оксидатив стрессни инсулинрезистентликнинг ривожланиш механизмларидаги муҳим ролини аниқлашдан иборат.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, экспериментал қандли диабетда ОС ва гипергликемияни ўсимлик анитоксидантлари, хусусан сафлор экстракти ёрдамида коррекциялаш, гипогликемик ва яна антиоксидант таъсирга эга антидиабетик препаратлар ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин. 2-тур ҚД беморлар қон зардобида TNF- $\alpha$  гени G308A полиморф локуси GA генотипининг учраш частотаси ва TNF- $\alpha$  цитокини миқдорининг ортиши ўртасида боғлиқлик аниқланган, бу эса ушбу касаллик ривожланиш ҳавфини прагноз қилишда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инсулинрезистентликнинг ривожланишида сфинголипидлар ва оксидатив стресснинг роли бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сургут давлат университети «Инновационные технологии извлечения, идентификации полифенолов дикоросов ХМАО-Югры и исследование их геропротекторных свойств привозраст-ассоциированных заболеваний на Севере» мавзусидаги лойиҳада флавоноидларнинг антиоксидант ва гипогликемик хусусиятларини аниқлашда фойдаланилган (Сургут давлат университетиининг 2020 йил 10 ноябрдаги №04-22-165-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ёшга хос касалликларда полифенолларнинг гепатопротектор механизмларини аниқлашга ёрдам берган;

*Carthamus tinctorius* ўсимлиги гул экстрактининг антиоксидант хусусиятини тадқиқ қилишдан олинган илмий натижалардан А-ФА-2019-35 «Маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида иммунотроп воситалар яратиш» фундаментал лойиҳасида моддаларнинг антиоксидантлик хусусиятларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академиясининг 2020 йилдаги 30 июндаги №4/1255-1351-сон маълумотномаси). Солиштирма тадқиқот натижалари юқори антиоксидант фаолликка эга маҳаллий ўсимлик хомашёси полифеноллари асосида олинган янги комплексларни аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 халқаро ва 4 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан ЎзР ВМ хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан 4 та республика ва 1 та хорижий журналда (Scopus базасида) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сфинголипидлар ва оксидатив стресснинг хужайра метаболизми ҳамда турли патологик жараёнлардаги роли**» деб номланган биринчи бобида инсулин сигнал тизими ҳақидаги замонавий қарашлар, ИРнинг ривожланиш механизмлари, сфинголипидлар ва уларни хужайра метаболизми ҳамда сигнал тизимларига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган, оксидловчи тизим ва СФМ-цикли ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда яллиғланиш цитокини TNF- $\alpha$  нинг СФМ-цикли фаоллиги ва оксидланиш стресси индукциясидаги роли ҳақидаги адабиётлар таҳлили маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Сфинголипидлар ва оксидатив стрессни баҳоланишнинг замонавий усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва методлари ёритилган. Каламушларда алиментар семизлик модели чақириш шароитлари диссертация ишини бажаришда қўлланилган биокимёвий, молекуляр-биологик ҳамда статистик тадқиқот методлари, тўқималардан липидларни ажратиш, юпқа қаватли хроматография, углеводлар, липидлар ва МДА миқдорини аниқлаш, каталаза ва антиоксидант фаолликни аниқлаш, иммунофермент таҳлили, полимераза занжир реакцияси усулларида фойдаланилди. Натижаларни статистик таҳлил қилиш OriginPro


8.6 (OriginLab Corporation, USA) компьютер программасини қўллаган ҳолда бажарилган.

Диссертациянинг «**Алиментар семизликда оксидланиш стресси ва антиоксидант ҳимоя тизими ҳолатини тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида экспериментал ҳайвонларда алиментар семизлик ва инсулинрезистентликни моделлаштириш, углевод ва липид алмашинувдаги бузилишлар ҳақидаги натижалари келтирилган. Алиментар семиз каламушларда оксидланиш стресси ҳолати ҳайвонлар қони ва тўқималарида липидлар пероксидланиш маҳсулоти МДА миқдори ва каталаза фаоллигига кўра ўрганилди. Бундан ташқари, экспериментал аллоксан диабет ҳайвонларда ОС ва гипергликемияни табиий антиоксидантлар билан расолаш имконияти тадқиқ этилган.

*Каламушларда алиментар семизлик ва инсулинрезистентлик ҳолатини моделлаштириши.* Ҳайвонларда алиментар семизликни моделлаштириш одамларда инсулинрезистентлик ва 2-тур қандли диабетнинг асосий патогенетик белгиларини юзага чиқариш имконини беради. ИР аксарят ҳолатларда жигар, мускул ва ёғ тўқималарининг инсулинрезистентлиги билан боғлиқ бўлади.


Жигар тўқимасининг инсулинрезистентлиги гликоген синтезининг пасайиши, гликогенолиз ва глюконеогенез жараёнларининг фаолланиши ва бунинг натижасида глюкозанинг қон оқимида кўшилиши билан тавсифланади. Мускул тўқимасининг инсулинрезистентлиги миоцитларга глюкоза етказиб берилишининг камайиши ва унинг мускул хужайраларида утилизацияси ҳамда гиподинамия билан ҳам боғлиқ (Ткачук В.А., 2014).

Ҳайвонлар тана вазнининг ўзгариши динамикасини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, II гуруҳ ҳайвонларга татбиқ этилган юқори калорияли парҳез ва жисмоний ҳаракатсизлик тана вазнининг ортишига олиб келди. Тажриба тугаган кунга келиб (168 кун) II гуруҳ ҳайвонлар тана вазни  $456 \pm 23,0$  г, I назорат гуруҳида эса ҳудди аналогик кўрсаткич  $248,9 \pm 14,3$  г ни ташкил қилди (1-расм, А). Инсулинга сезгирликни баҳолашнинг энг содда усули периферик қондаги глюкоза миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Экспериментал ҳайвонлар қонидаги глюкоза миқдорини мониторинг қилиш шуни кўрсатдики, тадқиқот давомида бу кўрсаткичлар сезиларли даражада ўзгаради. Тажрибанинг дастлабки босқичида глюкоза миқдори 4,5 мМ/л, тажриба сўнгида бу кўрсаткич тажриба гуруҳида  $7,89 \pm 0,54$  мМ/л ни, назорат гуруҳида эса  $5,01 \pm 0,45$  мМ/л ни ташкил қилди (1-расм, Б).



1-расм. А. Алиментар семизликни (АС) моделлаштириш давомида экспериментал ҳайвонлар тана вазнининг (г) ўзгариш динамикаси. Б. Алиментар семизликни моделлаштириш давомида ҳайвонлар қонида глюкоза миқдорининг динамикаси (Изох: ишончлилиқ кўрсаткичи \* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ ;  $n=12$ ).

Инсулин инъекциясидан бир соат ўтгач глюкоза миқдорини ўлчаш назорат гуруҳида глюкоза миқдорининг сезиларли даражада (28% га) камайишини кўрсатди, тажриба гуруҳида эса бу миқдор деярли ўзгармади (7,2 мм/л) (2-расм, А).




2-расм. А. Назорат ва алиментар семизлик модель каламушлари қонидаги глюкоза миқдорига инсулинни таъсири. Назорат: 1-инсулин юборилгунга қадар; 2-инсулин юборилгандан сўнг; 3-алиментар семизлик (АС) модели инсулин юборилгунга қадар; 4-алиментар семизлик (АС) модели инсулин юборилгандан сўнг. Б. Алиментар семизликнинг модель (АС) каламушлари жигар ва скелет мускулида гликоген миқдори (мг/г тўқима) (Изох: ишончлилиқ кўрсаткичи \*\* $p < 0,01$ ;  $n=12$ ).

Шундай қилиб, экспериментал ҳайвонларни узоқ вақт давомида юқори

калорияли парҳезда сақлаш ва жисмоний ҳаракат чекланган шароитда тана вазнининг ортиши алиментар семизлик ва инсулинрезистентликка олиб келди. Бу экспериментал тадқиқот давомида ва инсулин юборилгандан сўнг ҳайвонлар периферик қондаги глюкоза миқдорини мониторинг қилиш билан тасдиқланди.

*Экспериментал семизлиги бўлган ҳайвонлар тўқималарида оксидатив стресс кўрсаткичларини аниқлаш.* Оксидаланиш стресси (ОС) углеводлар, уларнинг оксиллар, липидлар билан ҳосил қилган комплексларининг оксидланиши натижасида ҳосил бўлган эркин радикалларнинг миқдорининг ортиши натижасида келиб чиқувчи кўплаб касалликларда кузатилади ва АОХТ ферментлари томонидан бошқарилади. Организмнинг про- ва антиоксидант тизими мувозанатининг бузилиши ҳақида ЛПО маҳсулотлари миқдори ва антиоксидант ҳимоя тизими ферменти-каталаза фаоллигига кўра баҳоланди.

ЛПО нинг охириги маҳсулотларини тадқиқ қилиш алиментар семизлиги бўлган ҳайвонларда қонда МДА миқдорининг назоратга нисбатан 2,4 марта ошганлигини кўрсатди (3-расм, А).




3-расм. А. Алиментар семизлик (АС) модел каламушлари қони (µM/л), Б. жигар ва скелет мускулида МДА миқдори (µM/г) (Б) (Изоҳ: ишонччилик кўрсаткичи \*\*p<0,01; n=12).

Олинган маълумотларга кўра семизлиги бўлган ҳайвонларда МДА миқдори  $4,04 \pm 0,1$  µM/л ни, назорат гуруҳи ҳайвонларида эса бу кўрсаткич  $1,7 \pm 0,08$  µM/л ни ташкил қилди. Семизлиги бўлган модел ҳайвонлар жигар ва скелет мускулида МДА миқдори назоратга нисбатан мос равишда 3 ва 2 марта ошган (3-расм, Б).

Қонда каталаза фаоллигини ўрганиш назорат гуруҳи ҳайвонларида фермент фаоллиги  $27,56 \pm 1,37$  мккат/л, семизликда эса  $15,68 \pm 1,2$  мккат/л ни ташкил қилди, яъни назоратга нисбатан 1,75 мартаба камайди (4-расм).

Шундай қилиб, алиментар семизликда ҳайвонлар организмда антиоксидант ҳимоя тизими ферменти-каталаза фаоллигининг пасайиши

билан ЛПО жараёнлари кучаяди, бу эса организмда оксидланиш стрессини интенсивлигининг ортганлигидан далолат беради.




**4-расм. Алиментар семизлик (АС) модел каламушлари қонида каталаза фаоллиги (мккат/л) (Изоҳ: ишончилилик кўрсаткичи \*\* $p < 0,01$ ;  $n=12$ )**

Ҳозирги вақтда етарли миқдорда липидларнинг пероксидланиши миқдорини камайтириш ва антиоксидант химоя тизими ферментлари фаоллигини ошириган ҳолда оксидатив стресс кўрсаткичларига расоловчи таъсир кўрсатувчи ўсимлик антиоксидантлари (полифеноллар, флавоноидлар ва бошқалар) тадқиқ қилинган. Мазкур тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда эксперименталь диабет моделида адабиётлар маълумотларига кўра  $\beta$ -хужайраларга стимулловчи таъсир кўрсатувчи полифенолларга бой сафлор гуллари экстракти таъсирини тадқиқ қилишга оид қатор тадқиқотлар ўтказдик.

Сафлор (*Carthamus tinctorius*) ўсимлиги гуллари экстрактининг антиоксидант фаоллигини тадқиқ қилишни биз адреналиннинг *in vitro* шароитда аутооксидланишининг ингибирланиши моделида бошладик. Назорат сифатида машҳур ўсимлик антиоксиданти кверцетин ҳамда клиник амалиётда қўлланилувчи перорал гипогликемик препарат гликлазид ҳизмат қилди. Бу препаратларнинг антиоксидант таъсирни намоён қилишини баҳолаш адреналинни аутооксидланишини кверцетин 35,7%, сафлор ўсимлиги эса 33,3% ингибирланшини кўрсатди. Олинган натижалардан, сафлор гуллари экстракти кверцетин билан бир хил чегараларда антиоксидант фаолликни намоён қилганлигини кўрсатган.

2 ҳафта давомида сафлор экстракти юборилгандан сўнг диабет модел хайвонлар қонида глюкоза миқдорини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, экспериментал диабет хайвонлар қонида глюкоза миқдори 56,5% га, яъни 6,8 ммМ/л ни ташкил қилди (5-расм). Бу муддат оралиғида физиологик эритма қабул қилган эксперименталь диабет хайвонлар қонидаги глюкоза миқдори 26,6%, яъни 13,5 ммМ/л ни ташкил қилди, бу ҳолат ошқозонности беши оролчаси  $\beta$ -хужайраларининг спонтан регенерацияси билан боғлиқ бўлиши мумкин (Пальчикова. Н.А., 2013; Lenzen, 2008).

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари сафлор экстрактини маълум вақт давомида бериб борилган экспериментал диабет чақирилган ҳайвонлар қонида глюкоза миқдорининг камайишига олиб келганлигини кўрсатган. Қандли диабетда сафлорнинг антиоксидант ва гипогликемик таъсирлари биргаликда ундан гипергликемияни расолашда қўллаш имконини беради.



5-расм. Сафлор ўсимлиги экстрактини вақт мобайнида юборилишининг экспериментал диабет ҳайвонлар қонидаги глюкоза миқдорига таъсири (мм/л) (Изоҳ: ишончлилик кўрсаткичи \* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ ;  $n=12$ ).

**«Алиментар семизликнинг экспериментал модел ҳайвонларида фосфолипидлар ва сфинголипидлар таркибини тадқиқ қилиш»** деб номланган тўртинчи бобда алиментар семизликнинг экспериментал модел ҳайвонлар тўқималарининг липид спектридаги, сфингомиелин цикли компонентлари сфингомиелин, сфингозин, церамид миқдори ва сфингомиелиназа фаоллигининг ўзгаришларига оид маълумотлар келтирилган.

*Алиментар семизлиги бўлган ҳайвонлар тўқималари липид таркибини ўрганиш.* Алиментар семизликда скелет мускулда лизофосфатидилхолинлар, фосфатидилэтанолламинлар ва фосфатид кислоталар миқдори 18%, 17% ва 20% ортиши баробарида сфингомиелинлар, фосфатидилхолинлар, фосфатидилинозитоллар, фосфатидилсеринлар ва умумий фосфолипидлар миқдорининг 28,8 %, 24%, 17%, 39% ва 12% камайиши аниқланди (1-жадвал). Шунингдек, семизликда жигар тўқимаси фосфолипидлар таркибида ҳам ўзгаришлар кузатилди: лизофосфатидилхолинлар миқдорининг 180% ҳамда фосфатид кислоталар 29% га ортиши ва сфингомиелинлар, фосфатидилхолинлар, ва фосфатидилинозитоллар миқдорининг эса мос равишда 31%, 24,3% ва 5% га камайганлиги кузатилди. лизофосфатидилхолинлар ҳамда фосфатид кислоталар миқдорининг ортиши алиментар семизликда тадқиқ қилинаётган тўқималарда фосфолипазалар фаоллигининг ортанлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, нейтрал липидлар таркибида ҳам: скелет мускулда-холестерин, этерификацияланмаган ёғ кислоталари ҳамда умумий липидлар 33%, 60% ва 22%, жигарда мос равишда 23%, 49% ва 17% ўсиш аниқланган.

1-жадвал

**Алиментар семизлиги бўлган ҳайвонларнинг жигари ва скелет мускулида фосфолипидлар миқдори (мкг Р/г тўқима)**

ФЛ	Скелет мускули (M±m)		Жигар (M±m)	
	Назорат	АС модели	Назорат	АС модели
ЛФХ	1,74±0,1	2,05±0,1	6,2±1,1	17,4±2,5*
СМ	54,6±3,4	38,88±2,7*	56,4±4,3	38,5±3,4*
ФХ	148,25±9,5	112,4±8,1*	148,25±12,5	112,40±11,1*
ФС	19,49±1,7	11,97±1,3	37,2±2,5	36,2±3,3
ФИ	29,58±1,9	24,53±1,6	72,4±3,7	68,7±3,6
ФЭА	89,78±3,6	105,41±4,4*	352,0±21,5	230,4±18,6*
КЛ	25,75±1,2	28,46±1,3	73,4±0,6	78,6±0,7
ФК	4,17±2,5	5,02±2,7	16,4±1,3	21,2±1,5*
УФЛ	373,36±14,1	328,72±12,6*	762,25±37,2	603,4±32,1*
УХС (мг/г)	0,9±0,01	1,2±0,02	2,6±0,1	3,2±0,2
ЭЁК (мг/г)	8,0±1,2	12,8±1,5	24,2±2,3	36,04±2,7
УЛ (мг/г)	17,5±1,7	21,4±2,1	52,4±4,4	61,2±5,1

Изоҳ: \* - кузатилган фарқлар гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятга эга, аҳамият даражаси  $p < 0.05$ ;  $n=7$ .

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари алиментар семизликнинг экспериментал моделини чақиришда, гипергликемия шароитида жигар ва скелет мускул тўқималари липид таркибида ўзгаришлар юзага келиши кузатилган.

Алиментар семизликда ҳайвонлар тўқималарида сфингомиелин цикли компонентлари сфингомиелин, сфингозин, церамид миқдори ва сфингомиелиназа фаоллигини аниқлаш. СФМ циклининг асосий метаболитлари-церамид ва сфингозин иккиламчи мессенжер хусусиятига эга бўлиб хужайрада турли эндоген регулятор сигналларни узатилишини таъминлаш билан бир вақтда метаболит жараёнларнинг хужайраичи медиатори сифатида таъсир кўрсатади. СФМ циклида церамид мембрана СМнинг СФМаза ферменти таъсирида гидролизланиши натижасида ҳосил бўлади, унинг фаоллиги TNF- $\alpha$  цитокини билан модуляция қилинади.

2-жадвал


**Семиз ҳайвонлар жигар ҳамда скелет мускулида сфингомиелиназа фаоллиги (нМ сфингомиелин/мг оксил /мин)**

№	Тадқиқот объекти	Жигар (M±m)		%	Скелет мускул (M±m)		%
		Назорат	Тажриба		Назорат	Тажриба	
1	NSMase	193,0±8,0	221,0±17,2*	14,50	110,0±5,2	147,0±4,0	33,6
2	ASMase	170,2±5,7	198,0±13,6*	16,3	53,12±6,4	80,0±9,5	50,6

Изоҳ: \* - кузатилган фарқлар гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятга эга, аҳамият даражаси  $p < 0.05$ .

Семиз ҳайвонларнинг инсулинга боғлиқ тўқималарида СМ метаболитлари миқдори ва СФМаза фаоллигини ўрганиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳи билан таққосланганда экспериментал ҳайвонларнинг жигар ва скелет мускулида семизлик ривожланиши билан СФМазалар фаоллашган (2-жадвал).

Бу эса СФМ-цикли метаболитлари нисбатининг ўзгаришига: жигарда СМ миқдорининг 32% камайишига ҳамда унинг метаболитлари церамидни 37% ва сфингозинни 27% ортишига, скелет мускулда эса СМ ни 29,8% га камайишига, церамидни 22,2% ва сфингозинни 43% га ортишига олиб келган (6-расм, А, Б, В).



6-расм. Алиментар семиз ҳайвонларнинг жигар ва скелет мускул тўқималарида сфингомиелин миқдори (А), алиментар семиз ҳайвонларнинг жигар ва скелет мускул тўқималарида церамид (Б) ва сфингозин (В) миқдори (Изоҳ: ишончлилиқ кўрсаткичи \*\* $p < 0,01$ ;  $n=7$ ).


СФМ-цикли маҳсулотларини регуляторлик таъсири метаболитларнинг абсолют миқдори билан эмас, балки уларнинг нисбати билан аниқланади. Семизликда ЦЕР/СФМ нисбати назоратга нисбатан таққосланганда жигарда 2 марта, скелет мускулида эса 1,71 мартага ортган, бу эса ИР ва 2-тур ҚД ривожланишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, чақирилган алиментар семизликда сфинголипидлар метаболизмида ўзгаришлар юзага келади, яъни эркин радикаллар ҳосил бўлишига туртки берувчи проапоптотик агент церамид миқдори ортади, бу эса инсулин рецепторлари ҳолатини ўзгаришига сабаб бўлиб, ИР ва 2-тур ҚД ривожланишига олиб келиши мумкин.

«2 тур ҚД беморлар қонида биокимёвий ўзгаришлар ва TNF- $\alpha$  цитокинини тадқиқ қилиш» деб номланган бешинчи бобда 2-тур ҚД беморлар қонидаги биокимёвий кўрсаткичлар натижалари, ушбу беморлар организмда ЛПО маҳсулотлари миқдори ҳамда антиоксидант ҳимоя тизими

ферменти каталаза фаоллигига кўра оксидланиш стресси интенсивлигини баҳолаш натижалари, 2-тур ҚД беморлар қонида TNF- $\alpha$  цитокини миқдорига оид маълумотлар ва TNF- $\alpha$  гени G308A полиморфизмининг тарқалиши бўйича ўтказилган молекуляр-генетическ тадқиқотлар натижалари келтирилган.

2-тур ҚД беморлар қонида оксидланиш стресси кўрсаткичларини ўрганиш. ҚД патогенезида қатор бошқа касалликлар сингари хужайранинги энергетик субстратларининг эркин радикалли оксидланишининг фаолланиши муҳим ўрин тутди, бу эса хужайра структураси ва функциясининг бузилишига олиб келади. Зарарланиш даражаси организмнинг антиоксидант химоя тизимининг ҳолатига боғлиқ бўлиб, у фаол кислород метаболитлари миқдорини тартибга солади. ЛПО маҳсулотлари миқдорининг ўзгариши организмнинг про- ва антиоксидант тизимни мувозанатининг бузилганлигидан дарак беради.

ЛПОнинг охириги маҳсулотлари миқдорини аниқлаш ҚД беморлар қонида липопероксидациянинг захарли маҳсулоти-МДА концентрациясининг ошганлигини кўрсатган (7-расм, А).



7-расм. 2 тур қандли диабетда МДА миқдори (А) ҳамда каталаза фаоллигини (Б) ўрганиш натижалари (Изоҳ: ишончлилик кўрсаткичи \*\* $p < 0,01$ ;  $n = 34-31$ ).


Шунга кўра МДА миқдори соғлом кишиларда  $2,2 \pm 0,07$  мкмол/л, ҚД беморларда эса  $3,7 \pm 0,09$  мкМ/л ни ташкил қилди. МДА миқдори бемор организмда ЛПО фаоллигини кўрсатади. Маълумки, ЛПО маҳсулотларининг тўпланиши ЛПО нинг реакцион маҳсулотларидан бири бўлган водород пероксидининг детоксикациясини амалга оширишга жавобгар каталаза фаоллигининг пасайиши билан юзага келади.

Тадқиқ қилинган беморларда назорат гуруҳига нисбатан каталаза фаоллиги 2 мартаба камайганлиги антиоксидант химоя тизими фаоллигининг пасайганлигидан далолат беради (7-расм, Б).

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари 2-тур ҚД беморлар қонида антиоксидант фермент каталаза фаоллигининг пасайиши баробарида оксидатив стресс иккиламчи метаболити МДА миқдорининг ортишини

кўрсатди, бу эса организмда оксидатив стресснинг интенсивлиги ортанлигини билдиради.

2-тур ҚД беморлар қон зардобида *TNF- $\alpha$*  цитокини миқдорини аниқлаш. Яллиғланиш цитокини- $\alpha$ -ўсма некрози омили (*TNF- $\alpha$* ) қатор касалликлар патогенезида муҳим ўрин тутди. *TNF- $\alpha$*  цитотоксиклиги СФМ-циклини фаоллаш ва оксидланиш стрессини индукциялаш ҳамда кўплаб турдаги хужайраларда кислороднинг фаол шакллари, липидларнинг пероксидланиши маҳсулотлари ва церамид ҳосил бўлишини жадаллаштиради. Бу цитокин инсулин сигнал йўлини блоклайди ва хужайраици глюкоза ташувчиси GLUT-4 генини организм тўқималарида экспрессияланишини тормозлайди. Натижада гормонал сигнал узатилиши ва инсулиннинг биологик таъсири бузилади (Ткачук.В.А,2014; Notamisliligil G.S.1999). Ўрганлиган гуруҳлар қон зардобида *TNF- $\alpha$*  миқдорини ИФТ усули билан аниқланди. Олинган натижаларга кўра, 2-тур ҚД беморларда *TNF- $\alpha$*  миқдорининг соғлом кишиларга нисбатан ( $0,79\pm 0,30$  пг/мл) сезиларли даражада ( $5,81\pm 0,43$  пг/мл) ортанлигини кўрсатган (8-расм).



8-расм. 2-тур ҚД беморлар қон зардобида *TNF- $\alpha$*  цитокини миқдори (пг/мл) (Изоҳ: ишончилилик кўрсаткичи  $**p < 0,01$ ).

Натижалар 2 тур ҚД беморлар қон зардобида *TNF- $\alpha$*  миқдорининг ортиши ҳақидаги бошқа тадқиқотчилар натижаларини тасдиқлайди (Chen YL, 2017; Motiwaki Y, 2003). 2-тур ҚД беморлар қонида *TNF- $\alpha$*  ҳамда глюкоза, HbA1c, ТГ ва ХС ПЗЛП лар миқдори ўртасида ўзаро тўғри боғлиқлик борлиги аниқданган.


Шундай қилиб, тадқиқот натижалари 2 тур қандли диабетда углеводлар ва липидлар алмашинуви бузилган ҳолатларда организмда ЛПО маҳсулотлари тўпланиши ва оксидланиш стресси жараёнларининг фаолланиши билан кечувчи қон зардобида *TNF- $\alpha$*  миқдорининг ортиши кузатилди.

2-тур ҚД беморларда *TNF- $\alpha$*  гени G308A полиморфизми частотасини тадқиқ қилиш. Қатор тадқиқотлар натижасида *TNF- $\alpha$*  цитокини ишлаб чиқарилишининг ортиши *TNF- $\alpha$*  гени промотор қисмидаги G-308A полиморфизми билан боғлиқ эканлиги аниқланди. *TNF- $\alpha$*  гени G308A полиморфизми гиперинсулинемия, артериал гипертензия ва семизлик

шаклланишини билдириши аниқланган (Dalziel B. et al. – 2013; Nicaud V. et al. –2002). TNF- $\alpha$  ва унинг гени полиморфизмини ўрганиш ҚД ривожланиш хавфи ва унинг асоратларини олдиндан баҳолаш имконини бериши мумкин.

Биз ўзбек миллатига мансуб шартли-соғлом кишилар ва 2 тур ҚД беморларда TNF- $\alpha$  гени G308A (rs 1800629) полиморфизмининг учраш частотаси тадқиқ қилдик (9-расм).


Тадқиқотлар натижалари ҚД беморлар ва назорат гуруҳларида TNF- $\alpha$  гени G308A полиморф локуси генотипларининг учраш частотаси Харди-Вайнберг мувозанатига мос эканлигини кўрсатди. Танланган гуруҳларда TNF- $\alpha$  гени G308A полиморфизмини ўрганиш, соғлом кишиларнинг 90,2 % ва қандли диабет беморларнинг эса 83,3 % GG гомозиготали эканлиги аниқланди.



9-расм. Тадқиқ қилинган гуруҳларда TNF- $\alpha$  гени G308A полиморфизмининг тарқалиш частотаси (а- назорат гуруҳи; б- 2-тур ҚД беморлар гуруҳи).

Гетерозиготали GA шакли соғлом кишиларнинг 9,8 % ва қандли диабет беморларнинг 16,7 % да учрайди. На 2-тур ҚД беморларда ва на таққосланаётган гуруҳлар орасида патологик AA гомозигота шакли аниқланмади.

TNF- $\alpha$  гени G308A полиморфизми аллелларини тарқалиш частотасини ўрганиш шуни кўрсатдики, соғлом кишиларда G аллелини учраш частотаси 95,1%, A аллелники эса 4,9% ташкил қилди (10-расм). 2-тур ҚД беморларда G аллелининг учраш частотаси 91,7%, A аллелининг учраш частотаси эса мос равишда 8,3% ни ташкил қилди. Ўрганилган танланган гуруҳда A аллель гетерозигота (GA) холида учрайди.



10-расм. Ўрганилган гуруҳларда TNF- $\alpha$  гени G308A полиморфизми аллелларининг учраш частотаси (А- назорат гуруҳи; Б- 2-тур ҚД беморлар гуруҳи).

TNF- $\alpha$  гени G308A полиморф локуси генотиплари ва аллелларининг тарқалишини таҳлил қилиш ишонарли фарқ кўрсатмади ( $p > 0,05$ ). Олинган натижалардан 2 тур ҚД беморларда A аллелнинг ва GA генотипининг назорат

гуруҳига нисбатан учраш частотаси сезиларли даражада ( $p>0,05$ ) юқори эмаслигини, бироқ ортишга мойиллик мавжудлигини кўриш мумкин.

Таққосланаётган гуруҳларда TNF- $\alpha$  гени G308A полиморфизми генотиплари ва аллелларининг тақсимланиши бўйича олинган натижалар бошқа этник гуруҳларда ўтказилган шу каби тадқиқотлар натижалари билан мос тушади (Feng RN. et al. – 2011;. Liu Z. et al.– 2013).

Тадқиқотлар TNF- $\alpha$  гени G308A полиморфизмининг A ( $\chi^2=0,62$ ; OR=1,76; 95% CI: 0,38-8,24) аллели ва гетерозигота GA ( $\chi^2=0,67$ ; OR=1,85; 95% CI: 0,42-8,2) генотипларининг ташилиши билан 2-тур ҚД ривожланиши ҳавфи орасида сезиларли статистик ассоциация мавжуд эмаслигини кўрсатди.

TNF- $\alpha$  генининг G ( $\chi^2=0,62$ ; OR=0,56; 95 % CI: 0,13-2,63) аллели ва GG ( $\chi^2=0,67$ ; OR=0,54; 95% CI: 0,12-2,4) генотипидаги назорат гуруҳига нисбатан фарқ касаллик билан манфий ассоциация борлигидан дарак бериб, G- аллел ҳамда GG генотипининг ташилиши 2-тур қандли диабет ривожланиши ҳавфини пасайтиради ва ҳимоя характериға эға.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ҳайвонларни юқори калорияли, атероген парҳез ва гиподинамия шароитида ушлаш инсулинрезистентлик ва 2 тур қандли диабетга хос хусусиятлар, яъни тана вазнининг ортиши, гипергликемия ҳамда тўқималарда гликоген миқдорининг камайишиға олиб келди.

2. Алиментар семизлиги бор ҳайвонлар жигар ва скелет мускул тўқималари липид таркибида: фосфолипид фракцияларининг ўзгариши, умумий фосфолипидлар миқдори камайиши баробарида нейтрал липидлар ҳамда фосфолипидлар лизошакларининг ортиши аниқланди.

3. Алиментар семизлик модели ҳайвонларда назорат гуруҳига нисбатан жигар ва скелет мускул тўқималарида сфингомиелиназа ферментининг фаоллашиши, керамидлар миқдори ҳамда ЦЕР/СФМ нисбатининг ортиши, шунингдек ЛПО жараёнининг жадаллашуви ва каталаза фаоллигининг пасайиши аниқланди.

4. Экспериментал диабет ҳайвонларға сафлор экстрактини юборилганда антиоксидант фаоллик билан бирға гипогликемик таъсирни ҳам намоён қилди.

5. Танланган ўзбеклар гуруҳида 2-тур ҚД ривожланиши ҳавфи билан TNF- $\alpha$  гени G308A полиморф локуси G (OR =0,56; 95 % CI:0,13-2,63) аллели ва гомозигот GG (OR =0,54; 95 % CI: 0,12-2,4) генотипни ҳимоя таъсирини мавжуд эканлигини кўрсатди. 2-тур ҚД га чалинган беморларда GA генотипининг учраш частотасининг ортиши билан ушбу касалликка чалинган беморлар қонида TNF- $\alpha$  миқдорининг ортиши орасида боғлиқлик борлиги исботланди, бу эса 2 тур ҚД нинг дастлабки босқичларида инсулинорезистентликнинг юзаға келишиға ташҳис қўйиш ва олдини олишда қўллаш имконини бериши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.12.2019.В.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И  
БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ**

**ИРГАШЕВА САНОБАРХОН УМАРЖОНОВНА**

**РОЛЬ СФИНГОЛИПИДОВ И ОКИСЛИТЕЛЬНОГО СТРЕССА В  
РАЗВИТИИ ИНСУЛИНОРЕЗИСТЕНТНОСТИ**

**03.00.01 – Биохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/В63.

Диссертация выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biophys.biochem.uz](http://www.biophys.biochem.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Саатов Тальят Саатович  
доктор биологических наук, академик

**Официальные оппоненты:** Юлдашев Насирджан Мухамеджанович  
доктор биологических наук, профессор

Эргашова Мукаррам Журабаевна  
доктор биологических наук

**Ведущая организация:** Республиканский специализированный  
научно-практический медицинский центр  
эндокринологии

Защита диссертации состоится « 8 » сентября 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.B.01.13 при Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская, дом-174. тел. 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана (зарегистрировано под № 29). Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская дом-174. Тел: (99871) 246-68-96. e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru); [asrarov54@mail.ru](mailto:asrarov54@mail.ru)

Автореферат диссертации разослан: «23» августа 2021г.

(реестр протокола рассылки № « 1 » от 23 августа 2021).



  
Сабилов Равшан Заирович  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

  
Позилов Маъмуржон Комилжонович  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н.

  
Кадырова Дильбар Абдуллаевна  
Председатель Научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Заболеваемость сахарным диабетом является одной из важнейших медико-социальных проблем современности. Сахарный диабет по распространенности занимает 3 место после сердечно-сосудистых и онкологических заболеваний. В последнее время отмечается интенсивный рост числа больных сахарным диабетом во всем мире, в том числе в Узбекистане. По данным Всемирной организации здравоохранения, среди больных диабетом 90 % страдают от сахарного диабета 2 типа<sup>1</sup>. Актуальность проблемы определяется не только широкой распространенностью этого заболевания, но и развитием осложнений, приводящих к ранней инвалидизации и смертности больных. В связи с этим, разработка эффективных методов профилактики, ранней диагностики и лечения сахарного диабета 2 типа, на основе изучения молекулярных механизмов патогенеза этого заболевания, имеет большое социальное значение.

В течение последних десятилетий в исследованиях, проведенных в ведущих научных центрах мира накоплены доказательства того, что предиктором и инициатором возникновения сахарного диабета 2 типа и его тяжелых осложнений является инсулинорезистентность (ИР). Наличие окислительного стресса и воспаления значительно усугубляют патогенез инсулинорезистентности в конечном итоге приводя к развитию метаболического синдрома и сахарного диабета 2 типа. Несмотря на значительный прогресс, достигнутый в исследовании механизмов развития резистентности к инсулину, вопрос о специфической роли мембранных липидов, в частности сфинголипидов, в развитии ИР и СД 2 типа требует более углубленного исследования.

В нашей стране проводятся фундаментальные исследования молекулярных механизмов регуляторного влияния сфинголипидов на клеточные процессы при данной патологии, понимание которых может способствовать созданию нового поколения лекарственных средств, воздействующих на мишени, участвующие в метаболизме сфинголипидов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи, направленные на «развитие фармацевтической промышленности и по обеспечению населения качественными, безопасными и дешевыми лекарственными средствами»<sup>2</sup>. В реализации поставленных задач особую роль играют исследования, направленные на поиск новых природных гипогликемических средств для лечения СД2 с дополнительными антиоксидантными свойствами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента

---

<sup>1</sup><https://idf.org/aboutdiabetes/what-is-diabetes.html>

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». № УП-4947.

Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и от 6 мая 2019 г № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан -VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время во многих научных исследовательских центрах мира при расшифровке механизмов развития ряда патологических состояний все большее значение придается сфинголипидам, как основным компонентам клеточных мембран. Установлено влияние сфинголипидов на метаболизм и сигнальные системы клеток, а также их участие в качестве важнейших биологических эффекторов, медиаторов и модуляторов биохимических процессов. Предложена гипотеза о СФМ-цикле, как пути передачи сигнала с помощью липидных вторичных мессенджеров (Nannun Y.A., Obeid Z.M., 2002). Выявлена взаимосвязь между окислительной системой и СФМ-циклом, существующая в живых клетках. Показано, что сигнальная система СФМ-цикла активируется провоспалительными цитокинами, в первую очередь TNF- $\alpha$ , что сопровождается индукцией окислительного стресса. Получены данные подтверждающие, что TNF- $\alpha$  является одним из триггерных факторов в развитии ожирения, СД и его осложнений (Akash et al., 2018).

В СНГ работами Дедова И.И., Шестаковой М.В, Ткачук В.А, Макишева Р.Т., показано, что ИР и ожирение являются факторами риска развития СД 2 типа и его осложнений.

